



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 15 сентябрь ● сешанба ● № 39 (656) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

## Олтин пиллапоялар узра...

2009 йил - «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар



**«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** Давлат дастури доирасида пухта экспертизадан ўтказилган қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларнинг бош режа ва намунавий лойиҳалари асосида қишлоқлар қиёфасини ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шaroитини тубдан яхшилаш мақсадида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да кўргазма ташкил этилди.

**Жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқларимизда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тортилди, 2,9 миллион квадрат метр яқка тартибда уй-жой қурилди, 233 та умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди, 196 та касб-хунар коллежи ва 18 та академик лицей қуриб битказилди.**

**Иқтисодиётнинг аграр тармоғи самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар доирасида мевасабзавот, гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологиялар билан жиҳозланган 66 та корхона ташкил этилди.**

**Фермерлар томонидан 4,4 миллион тонна ғалла етиштирилди, ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан сабзавот — 17,0 фоизга, картошка — 29,6 фоизга, полиз экинлари — 17,0 фоизга, мевалар — 26,0 фоизга, узум етиштириш — 34,3 фоизга ортди. Қорамоллар сони 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 фоиз ошди.**

**МУСТАҚИЛЛИК** шарофати билан жаҳон майдонида ўз муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистонда буюк давлат ва буюк жамият қуриш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу жараёнда миллий кадрлар, тарихий меросимизнинг тикланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МИЛЛИЙ мезонлар талқини ҳар бир дилда барқ ура бошлади. Миллий кутубхона, миллий банк, миллий университет, миллий кино... Дилда гурур, ифтихор, катта масъулият туйғуларини уйғотувчи бу сўзни бугун оғзимизни тўлдириб айта оламиз.

Ўтган йиллар мобайнида миллий ғоя ва мафкурамиз шаклланди, тикланди. Миллий мафкурамиз — халқ, миллатни бирлаштирувчи, йўналтирувчи байроқ сифатида халқимизнинг руҳи, гурури-ифтихори ва қудратини, орзу-интилишларини муҳасамалаштирадиган улғу қудир. Ғоя қанчалик миллийлашса, унинг янги-янги қирралари очилади.

Мустақиллик бизни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий қарамликдан, фикрий, маънавий-руҳий кулликдан халос этди. Янги ҳаёт тарзи вужудга келди. Бозор иқтисодиётига кенг йўл очилди.

Президентимиз ишлаб чиққан беш тамойилнинг бири бу — қонун устуворлигидир. Истиқлол йилларида ана шу барқарор иқтисодий ривожланишнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилди. Конституцияимизнинг 53-моддасида мулкнинг кўп хиллиги ҳамда хусусий мулкнинг тенглиги ва дахлсизлиги кафолатлаб қўйилган, мутлақо янги қонунлар асо-

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

### Кредит маблағи 25 фоизи ҳисоб рақамига қўйилганида ажратилади

ЎРТАЧИРЧИК тумани прокуратураси томонидан фуқаролар Сайдазимова Нилуфар ва Қосимов Дилмуродларнинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тўйтепа филиали бошқарувчиси ўринбосари Б.Тўракулов томонидан кредит маблағлари ажратилиш жараёнида ноқонуний ҳаракатлар содир этилаётганлиги тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Тошкент вилояти, Красногорск кўрғони, «Восточний» кварталда яшовчи фуқаро Сайдазимова Нилуфар Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тўйтепа филиали бошқарувчиси Б.Тўракулов билан мурожаат қилиб, тураржой сотиб олиш учун 10 йил муддатга 23 миллион сўм миқдорда ипотека кредити ажратиш беришликни сўраган. Банк филиали ва фуқаро Н.Сайдазимовалар ўртасида кредит шартномаси тузилгандан то ҳозиргача қуна қадар фуқаро томонидан шартнома шартларига, ушбу низоми қоидаларига мувофиқ тураржойнинг нотариал тасдиқланган олд-сотди шартномаси тақдим этилмаганлиги ва ажратилаётган

кредит маблағининг 25 фоизини омонат ҳисоб рақамига нақд пул шаклида қўймаганлиги сабабли кредит маблағи ажратилмаган.

Келгусида фуқаро Н.Сайдазимова томонидан кредит шартномаси шартларига қўра ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низоми талабларига мувофиқ турар жойнинг нотариал тасдиқланган олд-сотди шартномаси тақдим этилганда ва ажратилаётган кредит маблағининг 25 фоиз қисмини омонат ҳисоб рақамига қўйишни таъминлаган тақдирда банк муассасаси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит маблағи ажратилиши таъминланади.

**А.ЭШМУРАТОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани прокурори

«Обуна – 2010»

Газета ҳаммамизга етади. Фақат обуна бўлсак кифоя! Нашр кўрсаткичи – 137

## Тарғибот гуруҳи

### Тадбир жонли бўлса...

у мазмунли, фойдали ва мароқли ўтади

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ** ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида тузилган тарғибот гуруҳи Самарқанд вилоятига сафарини Пайарик Тиббиёт коллежидан бошлади.

СЎЗИМИЗ аввалида, тарғибот гуруҳи аъзолари билимли, энг муҳими, ёш ҳуқуқшунос-мутахассислардан ташкил топганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси Улугбек Хусайнов эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган, Азизхон Нодиров ҳам ёш бўлишига қарамастан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ходими, Баҳромжон Илҳомжонов Тошкент Давлат юридик институтининг би-

тирувчи талабаси. Шунинг учун бўлса керак, мулоқотлар жуда жонли тарзда бошланди.

— Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати мен учун жуда катта фойда бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Пайарик Тиббиёт коллежи 301-гуруҳи талабаси Гулбахор Рустамова. — Очиғи, ҳуқуқий билимим жуда паст эканлигини шу тадбир давомида англадим.

## Беллашув

### Уч томон ҳам бўш келмади

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан бошланган «Ҳуқуқ билимдонлари» беллашувининг навбатдаги ҳудудлараро босқичи Самарқандда бўлиб ўтди**

КЎҲНА ва ҳамиша навқирон Самарқандда турли халқаро учрашувлар, симпозиумлар, дунё аҳамиятига молик тантаналар ўтказилади. «Ҳуқуқ билимдонлари» беллашувининг навбатдаги босқичи ҳам шу заминда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки бу шаҳар ўз бағрида юзлаб буюк алломалар, фозилу



## Йўл ҳудуди белгиланди

### Талаблар қаноатлантирилди

ҲАЗОРАСП тумани прокуратураси томонидан, тумандаги «Бешта» қишлоғида яшовчи фуқаро С.Атаниёзова ва бошқаларнинг, қўшниси М.Бўёзов йўлни бузиб, ўз томорқасига қўшиб олганлиги тўғрисидаги аризаси мутахассислар жалб этилган ҳолда ўрганилди.

Аниқланишича, аризагўй С.Атаниёзова ва бошқалар давво қилаётган ҳудудда жойлашган турар-жойлар кўп йиллар илгари тарқоқ ҳолатда қурилган бўлиб, ушбу ҳудудда қурилиш қилиш учун бош режа ишланмаган. Шу сабабли мажбур ҳудудда бош режа ишланганидан кейин ариқ ва кўча ҳудудлари тўлиқ белгилаб берилди.

Аризани ўрганиш жараёнида, «Бешта» қишлоғидан ўтган ички ариқнинг ёнидан вақтинча фойдаланиш учун йўл ҳудуди белгилаб берилиб, аризагўйларнинг талаби қаноатлантирилди.

**Х.ҲАСАНОВ,**  
Ҳазорасп тумани прокурори





